БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 295 (16.378) | 20 декабрь 1975 йил, шанба | Баҳоси 2 тийин.



Муборак газни қайта ишлаш заводи коллективи КПСС XXV ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездларини муносиб кутиб олиш иштиёқида социалистик мусобақани авж олдириб, йиллик ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари бажарди. Корхона коллективи истеъмолчиларга олтингугуртдан ташқари ярим миллиард куб метрдан зиёд тозаланган табиий газ ва 5 минг тоннага яқин конденсат жўнатди. Завод ишчи ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига лойиҳасидан руҳланиб, янги марраларни нўзламоқдалар. Суратда: 2-цехнинг энг яхши бригадаси аъзолари (чапдан ўнгга) — оператор Т. Анисимова, катта машинист Ж. Асадулин, катта оператор В. Селезнев, машинист Н. Ильина, катта оператор Б. Рустамов ўртоқлар.

Н. Содиқов фотоси. (ЎзТАГ).

БАРЧА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШИ

КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари» ҳақида партия XXV съездига лойиҳаси бизнинг мамлакатимизда ва чет элларда ҳамманинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди.

Буюк сафарбар қилувчи кучга эга бўлган бу ҳужжат партия Марказий Комитетининг декабрь Пленуми тамом бўлиши биланоқ эълон қилинди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида тўққизинчи беш йиллиннинг асосий якунлари чуқур таҳлил этилди, партия социал-иқтисодий фаолиятининг энг муҳим вазифалари таърифлаб берилди. Марказий Комитет Пленумининг қарорлари ҳамда ўртоқ Л. И Брежневнинг нутқида баён қилинган қоида ва хулосалар коммунизмнинг моддий-техника базасини бундан буён ҳам барпо этиш учун, совет жамиятининг бутун социал-иқтисодий тараққиёти учун принципиал аҳамиятга молик бўлиб, партия томонидан якдиллик билан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди.

Унинг беш йилликда совет экономикасини ривожлантиришнинг КПСС ленинча бош йўлига мувофиқ ишлаб чиқилган Асосий йўналишлари лойиҳаси ҳақиқатан ҳам буюк ишларнинг илмий жиҳатдан асослаб берилган кенг программасидир. Бу программа мамлакат ҳаётининг асосий соҳаларини, халқимиз бунёдкорлик фаолиятининг энг муҳим томонларини қамраб олади. Лойиҳанинг ҳар бир бўлими, ҳар бир сатри, ҳар бир рақами Совет давлати тарихий ижодиётнинг қандай баланд чўққиларига кўтарилганлигини, унинг миқёслари жиҳатидан беқиёс вазифаларни уддалай олишини, унинг янги беш йилликда янада қудратли ва яшнаб турган давлат бўлиб қолишини жуда яққол кўрсатиб турибди!

Бу ҳужжат ўзининг бутун мазмуни билан совет тузумининг шубҳасиз буюк афзалликларини, ривожланган социализмнинг имкониятлари ортиб бораётганлигини яққол исбот этади. Тўққизинчи беш йиллик даврида социализмнинг иқтисодий кучлари тағин ҳам тўлароқ намоён бўлади, жамиятнинг, меҳнат коллективларининг ва ҳар бир кишининг манфаатлари тағин ҳам чамбарчас боғланиб кетади.

КПСС Марказий Комитети энг муҳим масалаларни ҳал этиш вақтида омма билан маслаҳатлашиш, оммानинг фикр ва тажрибасини ҳисобга олишни кўзда тутган ленинча традицияларга амал қилиб, «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйди. Лойиҳа партия ташкилотларида, область ва ўлка партия конференцияларида, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида, меҳнаткашларнинг йиғилишларида ва матбуотда муҳокама қилинади.

Бу — катта, масъулиятли сиёсий кампаниядир. Миллионларча кишилар, аслини олганда мамлакатнинг катта ёшдаги бутун аҳолиси бу кампанияда бевосита ва актив қатнашади. Бу кампания давомида партия томонидан белгиланган вазифаларнинг моҳияти ва аҳамияти, экономика, фан, маданият ва халқ фаровонлигини янада юксалтириш истиқболларини ҳар бир кишига тушунтиришгина қолмай, балки барча қимматли тавсияларни ҳисобга олиш, ишлаб чиқариш планларини, съезд олдидан олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда халқнинг ижодий ғайрат-шижоатидан тўлароқ фойдаланиш керак. Партия, совет, хўжалик органлари муҳоқама давомида айтилган ҳамма камчиликларни тезроқ бартараф қилишга, корхона ва муассасаларнинг фаолиятини яхшилашга, ишнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган таклифлар ҳамма танқидий мулоҳазаларни амалга ошириш учун оператив тадбирлар кўришлари лозим.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасини меҳнат коллективларида, шунингдек аҳоли ва иштирокчиларнинг ҳамма жойларда муҳокама қилиш ва ғоя ва ишларини мувафқақиятли республика, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари олиб бориши лозим бўлган ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишга боғлиқдир. Партия, совет, хўжалик, касаба союз, комсомол органлари раҳбар ходимларининг, олимлар, мутахассисларнинг бу ишда актив иштирокини таъминлаш ғоят муҳимдир. Касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу соҳада кўп иш қилишлари керак.

Пропаганда ва оммавий-сиёсий агитациямизнинг бой хазинаси тамомила шу ишга хизмат қилиши керак. Бунда гап аввало, партия, комсомол ўқуви ва меҳнаткашларга иқтисодий билим беришнинг ҳамма формаларида, лекция, доклад ва суҳбатларда тўққизинчи беш йилликнинг асосий якунларини яққол кўрсатиб бериш зарур эканлиги тўғрисида борилди. Тўққизинчи беш йиллик эришилган натижаларга нўра мамлакат тарихидаги энг яхши беш йилликдир. Шу билан бирга коммунистик қурилишнинг янги босқичида партия томонидан илгари сурилаётган планларнинг мақсадлари, вазифалари ва хусусиятларини аниқ ва равшан кўрсатиб бериш лозим. Республика ва областларнинг шаҳар ва районларнинг, халқ хўжалиги тармоқларининг ва конкрет ҳар бир корхонанинг истиқболларини ҳамда меҳнат коллективларининг шундан келиб чиқадиган вазифалари ва масъулиятини тушунтириб бериш лозим. Янги беш йиллик — самарадорлик ва сифат беш йиллигининг социал-иқтисодий вазифаларини муваффақиятли бажариш, бу беш йиллик халқимизга берадиган буюк моддий ва маънавий неъматлар ҳамманинг ва ҳар бир кишининг виждонан, ғоят унумли меҳнат қилишига, ишнинг сифатига ва тежамкорликка боғлиқ эканлигини ҳар бир кишининг онгига чуқур сингдириш ғоят муҳимдир.

Ҳозирги даврда матбуот, телевидение, радио олдига масъулиятли талабларни қўймоқда. Улар «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» лойиҳасини муҳокама қилишни кенг авж олдириб, бу ҳужжатнинг мазмуни ва буюк аҳамиятини, ҳужжатда белгиланган марраларга эришиш йўлларини ғоявий-назарий жиҳатдан юксак савияда, равон ва ишонтирарли қилиб кўрсатиб беришлари лозим. Партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида лойиҳа қандай муҳокама қилинаётганлигини кенг акс эттириш, социалистик мусобақанинг боришини батафсил ёритиб туриш керак.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси эълон қилингандан кейин ўтган дастлабки кунлар халқимиз партия белгилаб берган планларни астойдил маъқуллаётганлигини яққол исбот этади. Бу планлар оммानинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини, съезд олди умумхалқ мусобақасини янада кучайтириб юборди.

«Биз, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, — нимага интилаётган бўлсак, шуларнинг ҳаммасига эришажагимизни, ўз олдимизга қўйаётган вазифаларни муваффақиятли ҳал этажагимизни биламиз. Совет халқининг ижодий даҳоси, унинг фидокорлиги, унинг муттасил Ленин йўлидан бораётган Коммунистик партия теварагидаги жипслиги буннинг гарови бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади».

(«ПРАВДА»нинг 19 декабрдаги бош мақоласи).

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

◆ ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА УМУМХАЛҚ МУСОБАҚАСИ

◆ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛНИНГ ҚУВОНЧЛИ ЗАФАРЛАРИ

◆ МАМЛАКАТИМИЗ ЭНЕРГЕТИКЛАРИ ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАМОҚДАЛАР

ТРИЛЛИОН КИЛОВАТТ-СОАТ!

КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗДА ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛ БОШИДАН БЕРИ ТРИЛЛИОН КИЛОВАТТ-СОАТ ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ

СССР туташ энергетика системаси марказий диспетчерлик бошқармасининг счётчиклари 19 декабрь куни мамлакат электростанциялари йил бошидан бери ҳосил қилган бир триллион киловатт-соат электр энергияни биринчи марта қайд этди. Энергетиклар куни арафасида тармоқ ходимлари КПСС XXIV съезди Директиволарида белгиланган маррага эришдилар.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министри П. С. Непорожний ТАСС мухбирининг илтимосига кўра шу воқеани шарҳлаб, тармоқнинг тўққизинчи беш йиллик мобайнидаги ривожи тўғрисида 1976—1980 йилларда ҳал қилиниши лозим бўлган айрим вазифалар тўғрисида сўзлаб беради.

— Триллион киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинганлиги, — деди П. С. Непорожний, — корхоналаримиз ва қурилишларимиз коллективларининг муҳим ғалабаси ва катта муваффақияти бўлиб, энергетиклар бу муваффақиятни КПСС XXV съездига бағишлайдилар. Шунча миқдордаги электр энергия мамлакатимизда биринчи марта ҳосил қилинди 1980 йилга бориб эса «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида кўзда тутилганидек, мамлакат электростанциялари халқ хўжалиги учун 1340—1380 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилиб беради!

Тармоқ ходимлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун харакат қилиб, юксак мажбуриятлар қабул қилдилар ҳамда 1975 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, «Юбилей» киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинаётган вақтда фахрли вахтада туриш ҳуқуқини қўлга киритиш учун мусобақани кенг авж олдириб юборидилар. Бугунги кунда, масалан, Братск ГЭСи, Рязань ГРЭСи, Конаков ГРЭСи, тармоқдаги мусобақанинг ташаббускори бўлган Кострома ГРЭСи беш йиллик программага қўшимча электроэнергия ҳосил қилмоқда. Красноярск ва Вилюйск ГЭСларининг, 2-Кривой-Рог ГРЭСи, Лукомоль ГРЭСи ҳамда бошқа электростанцияларнинг энергетиклари социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар.

Энергосозлар триллион киловатт-соатли маррага эришишда жуда катта хисса қўшдилар. Норак, Усть-Илимск, Чиркей, Зея ГЭСларининг дастлабки агрегатлари ва 2-Днепро ГЭС энергосозларининг фидокорона меҳнати туфайли белгиланган муддатлардан барвақтроқ ишлай бошлади. Запорожье ГРЭСининг биринчи навбати рекорд даражада қисқа муддат ичида қуриб битказилди. Рязань ГРЭСи биринчи навбатини қуриш муддати бир ярим баравар қисқартирилди. Сўргут ГРЭСнинг биринчи навбатя муддатидан илгари ишга туширилди.

Мана шу ҳамма катта-катта станциялар ва бошқа станциялар шу беш йиллик ичида бунёд этилди. Олти миллион киловатт қувватли Красноярск ГЭСи ва уч миллион киловатт-қувватли 2-Кривой-Рог ГРЭСи қурилиши ниҳоясига етказилганлиги муҳим воқеа бўлди. Бу станциялар ер юзидаги энг катта гидравлик ва иссиқлик станцияларидан бири бўлиб қолди.

— Энергетика, деб таъкидлади министр, фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар жумласига киради. — Умуман индустриянинг сўрғалари, унинг техникавий даражаси, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши, меҳнат унумдорлигининг ва халқ моддий фаровонлигининг юксалиши кўп жиҳатдан энергетикани ривожлантириш суръатларига боғлиқдир. Шу боисдан ўнинчи беш йилликда энергетика шаҳдам суръатлар билан ривожлантирилади. Беш йил ичида тармоқдаги қувватлар 67-70 миллион киловатт ўсишини айтиб ўтиш кифоя.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЛОЙИҲАСИДА ТИЛГА ОЛИНГАН ИНШООТ

АНГРЕНДА ЯНА БИР УЛКАН НУРХОНА

ҚИДИРУВЧИЛАРНИНГ БИРИНЧИ ОТРЯДИ БЎЛАЖАК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯ МАЙДОНЧАСИГА КЕЛДИ

◆ «АНГРЕН КЎМИР КОНИ НЕГИЗИДА ЯНГИ ГРЭС ҚУРИЛИШИ... ТАЪМИНЛАНСИН».

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасидан).

АНГРЕН. (Тошкент область), 18 декабрь. («ЎзТАГ мухбири). Ангрен яқинидаги қор босиб ётган текисликка етиб келган топографларнинг биринчи отряди бўлажак электр станция майдончасида суратга олиш ишларини бошлаб юборди.

Ленин орденли Бутуниттифоқ «Теплоэлектропроект» институти Ўрта Осиё бўлимининг директори Вадим Михайлович МАСЛОВ шу хабарни шарҳлаб, ЎзТАГ мухбири Ю. Кружилинга қуйидагиларни айтди:

— Бизнинг коллективимиз Ангрен водийсида қурилаётган янги иссиқлик электр станциясини техникавий иқтисодий жиҳатдан асослаш ишини тугаллади. ГРЭС қуриш тўғрисидаги далил-исботлар ,маъқуллаб ди. Асосий далил-арзон энергия манбаи: Ангрен кўмир конининг мавжудлиги эди. Гап шундаки Ўрта Осиё республикаларида индустрия қувватининг ўсиш суръатлари шу иқтисодий район туташ энергетика системасининг имкониятларидан ҳамон илдамроқ бормоқда. Бундан чиқадиган хулоса шуки, бу ерда янги катта электр станциялар қурилиши давом эттирилиши лозим. Аммо Қизилқум ва Қорақум сийнасидаги газ запаслари чексиз эмас. Бунинг устига газни ёқилғи етишмаётган ўлкаларга, масалан РСФСРнинг Марказий районларига қувур орқали етказиб бериш иқтисодий жиҳатдан мақбулроқдир. Газнинг калорияси юқори эканлиги магистрал қувурлар ётқизишга бўладиган харажатни тез қоплайди. Ангрен кўмирини узоққа ташиш эса, аксинча, манфаатли эмас: унинг калорияси паст. таркибида 30 процентгача кул бор. Бунинг ўрнига уни очиқ усулда қазиб олиш мумкин. Демак учинчи томондан арзон.

Лойиҳачиларнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра Ангренинг иккинчи ГРЭСи қандай бўлади?

— Унинг қуввати 2 миллион 400 минг киловатт, станцияда ҳар бири 300 минг киловаттли саккизта энергетика блоки ўрнатиш назарда тутилмоқда. Турбина ва генераторлар Сирдарё ГРЭСининг биринчи навбатидаги ускуналарга ўхшаш бўлади.

Станцияни қуришга 415 миллион сўм сарф бўлади.

— Янги электр станция учун янги электр линиялари тортиш ҳам керак бўлади. Ангрен энергиясини қаерларга юбориш мўлжалланмоқда?

— Олмалиқ яқинидаги 500 киловольтли подстанция ва унгача тортиб бориладиган электр линия янги энергетика комплекси таркибига киради. Фергона водийсига электр юбориш имкониятини яратиш учун Олмалиқдан Сирдарё ГРЭСига шунингдек Тошкент ва Чимкент саноат комплексларига 500 минг вольт кучланишли электр линия тортилади. Шу тарика Ўрта Осиёнинг туташ энергетика системаси жуда оз исроф бўладиган кучли энергия оқимига эга бўлади. КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида ана шундай «ўта юқори вольтли» электр линиялари қуришни давом эттириш тўғрисидаги сатри эса олинг: бундай линиялар иқтисодий жиҳатдан жуда катта самара беради.

— Хўш, Ангрен 2-ГРЭСини ким ва қандай муддатларда қуради?

— «Узбекгидроэнергострой» трести бош пудратчи бўлади. Бу трестнинг бошқармалари ва бригадалари Тошкент ва Сирдарё ГРЭСлари, Чорвоқ гидроузели ва бошқа катта объектларнинг қурилиш майдончаларида доғ чиқарганлар. 1976 йилдаёқ бизнинг институтимиз станциянинг техникавий лойиҳасини тузиб бўлади ва Ангренда тайёргарлик ишлари: йўл қуриш, ёрдамчи корхоналар тиклаш, уй-жой биноларини бир қисмини монтаж қилиш ишлари бошланиб кетади. Хозирча ўнинчи беш йиллик даврида станциянинг саккиз блокидан иккитасини ишга туширишни планлаштирилмоқда.

БЕШ ЙИЛЛИК ҒОЛИБЛАРИ

ҚОЗОҒИСТОН ССР БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИ

Қозоғистон ССР меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, экономикани ривожлантириш хусусида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида берилган йўл-йўриқларга амал қилиб, кенг авж олган социалистик мусобақа асосида маҳсулотни реализация қилиш ҳажми юзасидан тўққизинчи беш йиллик учун белгиланган планларни муддатидан илгари бажардилар.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1971—1975 йиллар мобайнида 42,7 процент ўсди. Электроэнергия ҳосил қилиш, кўмир қазиб чиқариш, олтингугурт кислотаси, кальций карбиди, шифер, кир ювиш машиналари, пахта толаси, мол ёғи ва маҳсулотнинг баъзи бошқа турларини ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллиннинг охирги йилига мўлжалланган даражага эришилди.

Электроэнергетика, ёнилғи саноати, машинасозлик ва химия республикада илдам суръатлар билан ривожланмоқда. Химия ва нефть химияси маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,7, машинасозлик 1,8, нефть казиб чиқариш саноати маҳсулоти 1,9 баравар кўпаяди.

Актюбинск, Олмаота, Шарқий Қозоғистон, Гурьев, Кўкчатов, Шимолий Қозоғистон, Семипалатинск ва Чимкент областининг саноати беш йиллик план топшириқларини бажарди.

Республика меҳнаткашлари ўзларининг бутун куч-ғайратини КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажаришга бағишламоқдалар.

СССР Марказий Статистика бошқармаси.

ГРУЗИЯ ССР САНОАТИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРДИ

Грузия ССР меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг экономикани ривожлантириш тўғрисидаги йўл-йўриқларини амалга ошира бориб, социалистик мусобақани кенг авж олдириш асосида маҳсулотни реализация қилиш юзасидан тўққизинчи беш йиллиққа белгиланган планларни муддатидан илгари бажардилар.

1971—1975 йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш 39 процент кўпайди, бу эса КПСС XXIV съезднинг Директиваларида кўзда тутилганига мосдир. Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқ ортиги билан адо этилди.

Республика меҳнаткашлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, ўз куч-ғайратларини маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш резервларидан тўлароқ фойдаланишга қаратмоқдалар.

СССР Марказий Статистика бошқармаси.

ТРАКТОР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИ МИНИСТРЛИГИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚНИ БАЖАРДИ

Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги корхоналарининг коллективи КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг иқтисодий сиёсат масалалари юзасидан йўл-йўриқларига амал қилиб, социалистик мусобақани кенг авж олдириш ва тармоқни бошқаришни такомиллаштириш асосида ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини ўстириш юзасидан тўққизинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажардилар.

Министрлик корхоналари ва ташкилотларининг меҳнаткашлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига олган ва ташкилотларининг меҳнаткашлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига олган ишларни ва социалистик мажбуриятларини бажариш ва 1976 йил кўпламги дала ишлари учун қишлоқ хўжалик техникасини ўз вақтида етказиб беришни таъминлаш йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

СССР Марказий Статистика бошқармаси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ГСДПНИНГ ХАФТАЛИК «ФОРВЕРТС» РЕДАКЦИЯСИГА МАКТУБИ

Ҳурматли редактор жаноблари.

Москва Шартномаси имзоланганлигининг 5 йиллиги ва мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан ҳафталик «Форвертс» журнали сахифаларида ўз фикримни билдириш ҳақидаги таклифингизни бажонидил адо этаман.

Совет Иттифоки билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг нормаллашганлиги — Европанинг урушдан кейинги тарихида энг муҳим воқеалардан биридир. Москва Шартномасининг имзоланганлиги бу мураккаб жараёнда, шубҳасиз, ҳал қилувчи босқич бўлди. Бу Шартномада давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг принципиал сиёсий масалалари бартараф этилганлиги ўз ифодасини топди. Бу эса ғоят хилма-хил соҳаларда СССР билан ГФР ўртасидаги актив ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтириб юборишда сезиларли омил бўлди.

Совет Иттифоки билан ГФР қиска давр ичида ўз муносабатларини тўлдаш қайта қуриш ва ривожлантириш соҳасида энча иш қилдилар. Турли даражада мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлар ўтказиб турилаётганлиги, иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларининг кенгайтирилганлиги, илмий, маданий, туристик соҳаларда ҳамкорлик кучаяётганлиги — буларнинг ҳаммаси ҳар иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларда кулай ўзгаришлар рўй бераётганлигини кўрсатувчи конкрет далиллардир. Бизлар биргаликда орттирган тажриба мамлакатларимизга баъзан оддий бўлмаган мавжуд проблемаларни бундан-буён ҳам конструктив рухда ҳал қилишга ёрдам беради, деб ўйлайман.

Бугунги кунда тўла асос билан айтиш мумкинки, кескинликни юмшатиш сиёсати салмоқли, ишончли натижалар бермоқда. Бу — Европадаги барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг муваффақиятли тугалланганлиги вазиятни соғломлаштириш ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш учун тарихий аҳамиятга эгадир. У Европа давлатларининг жуда катта сиёсий-иқтисодий, маданий потенциали халқаро ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилиши учун яхши шарт-шароитлар яратиб берди.

Мамлакатларимиз Европадаги бошқа давлатлар иккі жаҳон урушининг оғир синовларидан ўтдилар. Бу урушлар уларга сон-саноксиз қулфат ва курбонлар келтирди. Ҳозир улар тинчлик шароитида кенг ва самарали ҳамкорлик йўлига қадам қўймоқдалар. Аминманки, бугунги кун воқелиги сингари ўтмиш сабоқлари ҳам Европа халқларига эндиликда очиқлан уфқларни муносиб баҳолаш, халқаро кескинликни янада юмшатиш ишида доимо ва тинмай тараққиётни таъминлаш имконини беради. Узларининг тор сиёсий манфаатларини кўзлаб ана шу жараёнга ҳалақит беришни истаётган шахслар ўтмишни қўмсайдилар, халқаро сиёсатни яна мураккаблаштиришга ҳаракат қиладилар.

Биз Германия Федератив Республикаси билан бундан буёнги муносабатларимизда тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик қилишни истаймиз. Халкларимиз ва давлатларимизнинг туб манфаатларига мос бўлган бу йўл давр синовига бардош беріб, ўзини тўла-тўкис оқлади. Совет Иттифоки бундан буён ҳам ана шу йўлдан боришга азми қарор бергандир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Германия Федератив Республикасининг аҳолисига табрик сўзлари билан мурожаат қилиб, мамлакатингиз гражданларига тинчлик, фароғат ва тараққиёт тилаймач.

Л. БРЕЖНЕВ.

* * *

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг мактуби хафталик «Форвертс»нинг махсус иловасида 1975 йил 11 декабрда эълон қилинган.

И. ГАНДИНИНГ Л. И. БРЕЖНЕВГА ТЕЛЕГРАММАСИ

Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга телеграмма йўллади. Телеграммада бундай дейилади:

«Мен Жаҳон Тинчлик Кенгаши Сизни Фредерик Жолио—Кюри номидаги «Тинчлик олтин медали» — олий мукофоти билан тақдирлаганлигидан яқиндагина хабардор бўлдим. Менинг самимий қутловимни қабул қилгайсиз. Биз, ҳиндистонликлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш муваффақиятли тугалланишни ишига шахсан қўшган хиссангизни яхши биламиз. Бу кенгаш тинчлик ва ҳамжиҳатликнинг янги даврини бошлаб беради. Биз ялпи тинчлик ишига садоқатингиз ва барча мамлакатлар ўртасида тинч-тотув яшаш ҳамда ҳамкорликни ривожлантиришни кўзда тутган фаолиятингиз туфайли Сизни чин қўнгилдан ҳурмат қиламиз». (ТАСС).

К. Т. МАЗУРОВ ГРЕЦИЯ САВДО ФЛОТИ МИНИСТРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров 18 декабрь куни Греция савдо флоти министри А. Папандонгонасни қабул қилди. У савдо кемаларининг қатнови тўғрисида СССР ҳукумати ва Греция Республикаси ўртасида тузилган битимни имзолаш муносабати билан Совет Иттифоқига келган.

К. Т. Мазуров билан А. Папандонгонас ўртасида дўстона вазиятда суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатда СССР Денгиз флоти министри Т. Б. Гуженко, шунингдек Грециянинг СССРдаги элчиси А. Деметропулос иштирок этдилар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ!

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари беш йиллиннинг якунловчи йили топшириқларини ошириб бажариш учун ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари, 19 декабрда бажардилар. Йил охригача 5,6 миллион сўмлик цемент, шифер, дераза ойнаси, линолеум, қоплама плиталар ва бошқа бинокорлик материаллари ишлаб чиқарилиб, маҳсулотни реализация реализация қилинади. (ЎзТАГ).

ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Шу кунларда Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи юксак меҳнат кўтаринкилиги билан ишлаяпти. КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақага қўшилган корхона тўқувчилари смена топшириқларини мунтазам ошириб адо этмоқдалар. Кўплаб ишчилар тўқиётничи беш йиллик топшириқларини барвақт адо этиб, 1976 йил ҳисобига маҳсулот топширишяпти. Суратда (чапдан) комбинатнинг илғор ишчилари Мария Агапова, Нина Тарасова, Тамара Ковалева ва Наташа Сулиз ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИК АРАФАСИДА

Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент кабель заводи коллективи КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини муҳокама қилмоқда

Шу кунларда совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига лойиҳасини кенг ва атрофлича муҳокама қилишга киришдилар. Мамлакатимизнинг бутун халқ хўжалигини муттасил ривожлантиришда, совет халқининг моддий фаровонлигини янада юксалтиришда янги боқич ҳисобланган бу ҳужжатни ҳар бир меҳнаткашнинг онгига етказиш, идеология фронтининг жангчилари — сиёсий ахборотчилар, пропагандистлар ва политтарғиботчиларнинг муҳим вазифасидир.

...«Тошкенткабель» заводи партия кабинетида. Бу ерга корхона сиёсий ахборотчилари, пропагандистлари, агитаторлари, ишлаб чиқариш илғорлари, цех ва участка бошлиқлари йиғилган. Улар партиянинг бу тарихий ҳужжатини қандай қилиб яхшироқ ўрганиш, унга ҳар бир ишчининг онгига қай тарзда таъсирли етказиш учун маслаҳатлашмоқда. Минбарда коммунистик меҳнат зарбдори, ишчи Василий Назаров. Унинг сўзлари партия Марказий Комитетининг мамлакат экономикасини ривожлантириш тўғрисидаги янги программасига амалий жавобдай қабул қилинади.

— Шу кунларда, — деди у, — цехимизнинг барча бригадалари, ишчилари, янги марраларни белгиламоқдалар. Ишчилар янги беш йиллик учун янги мажбуриятлар, инженер ва техник ходимлар эса шахсий ижодий планлар қабул қилмоқдалар. **Мен барча имкониятларимни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шахсий беш йиллик топшириқларимни ишлаб чиқаришга жорий этишга ва ишлаб чиқаришга жорий этишга ва ишлаб чиқаришга жорий этишга оширишга ва ишлаб чиқаришга жорий этишга оширишга ва ишлаб чиқаришга жорий этишга ошир

КУБА КОМПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ

ФИДЕЛЬ КАСТРО ДОКЛАДИ

ГАВАНА, 19 декабрь. (ТАСС). Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Фидель Кастро Куба Коммунистик партиясининг I съездида қилган ҳисобот докладида қуйидагиларни айтди: буюк сиёсий ютуқларда чиғанам тарихий аҳамиятга молик воқеалар бор. Америка қитъасидаги мамлакатлардан бирида социалистик революцияга бош бўлган партиямизнинг I съезди Латин Америкаси миқёсида ҳам, шунингдек жаҳон революцион ҳаракатида ҳам алоҳида аҳамият касб этиб, сиёсий жиҳатдан диққат-эътиборга сазовордир, деб таъкидлади Фидель Кастро. Қадрдон Коммунистик партиялар ва ҳамма қитъалардаги бошқа революцион ташкилотлар бизнинг съездимизга юборган кўп сонли ва мўътабар делегацияларнинг келиши бизнинг халқимизга ва унинг илғор партиясига, мамлакатимизда содир бўлаётган сиёсий жараёнга бутун дунё революционерлари нақадар эўр ҳурмат билан қараётганликларининг ифодаларидан биридир.

Биз шу делегацияларнинг ҳаммасини чин кўнгилдан табриклаймиз. Бутун дунёдаги синфдош қардошларимиз, айниқса Совет Иттифоқининг улуғ халқи бизнинг меҳнаткашларимиз бошлаган шиддатли курашга халқаро бирдамлик, мададкорлик қилмаганларида, бизнинг ярим шаримизда халкларнинг тақдирига аслида хўжайин бўлиб олган кучли, шафқатсиз ва агрессив империализм қаршисида Куба революционерлари қаҳрамонона ҳалокатгачма маҳкум бўлишларини ва Париж коммунарлари каби галаба қозонишга муваффақ бўла олмасликларини бир дақиқа ҳам унутмаймиз.

Биз Совет Иттифоқининг шонли Коммунистик партиясига ва унинг қаҳрамон халқига миннатдорчилик туйғусини ҳамиша қалбимиз тўрида сақлаймиз. СССРда неча минг миля олисдаги мамлакат — Куба билан бирдамликда Маркс, Энгельс ва Ленининг интернационалистик орзу-умидлари намоён бўлди, мангу барҳаёт Октябрь революцияси эса қитъамиз тақдирига жуда катта таъсир ўтказди. Келажакда кўпгина ўзгаришлар рўй беради ва ҳатто Қўшма Штатларда ҳам капитализм йўқ бўлиб кетадиган кун келади, бироқ бизга очлик ва қийнилиш хавфи туғилган ҳал қилувчи ва таҳликали йилларда ёрдам берган халққа нисбатан бизнинг дўстлик туйғумиз абадий сўнмайди. Бу туйғу социалистик революция йўлини очган ва неча миллион азиз фарзандларининг жони эвазига бутун дунёни фашизм хавфидан халос қилган халққа нисбатан беғиҳоя эўр миннатдорчилик билан бирга қўшилади.

Биз Ленин Ватанига чексиз ишонамиз, чунки революция галабасидан кейин ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида у ўз принципларига содиқ эканлигини намойиш қилмоқда ва ҳозирги ташқи сиёсат ўтказмоқда. Бунга Кубадагина эмас, Вьетнамда, Яқин Шарқда, ўз мустақиллиги учун курашган португал мустамлакаларида, Чилида, Кипрда, Яманда, Анголада ва миллий озодлик ҳаракати мустамлакачиликка ва империализмга қарши кураш олиб бораётган дунёнинг ҳамма жойида исботладик. Бир вақтлар қаҳрамон испан халқига нисбатан ҳам буни жуда ажойиб равишда исботлаган эди. СССР бутун дунёда тинчлик ишига ҳал қилувчи ҳисса қўшди. СССР шундай қилмаганида эди, ҳом ашё ва ёқилғи таҳқиқлиги тобора кучайиб бораётган бизнинг давримизда империалистик давлатлар дунёни қайта бўлиб олиш учун яна шафқатсиз уруш бошлаган бўлар эди. Қудратли Совет давлати мавжудлигининг ўзиёқ бундай қилишга йўл қўймаяпти. Бу фактни инкор қилишга уринаётган тўхматчилар ойга қараб хуранётган қўппакка ўхшайдилар.

Докладнинг катта бўлимлари Куба экономикаси, маорифи, маданияти, соғлиқни сақлаши, социал таъминотини ривожлантириш масалаларига, Куба халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллик плани Директивалариннг лойиҳасини таърифлашга бағишланган. Фидель Кастро Коммунистик партия билан давлат олдида турган асосий проблемалар хусусида съезд делегатлари муҳокамасига тақдим этилган жуда муҳим ҳужжатларга батафсил тўхталиб ўтди.

Тарихимиздаги ҳамма революционерларнинг жамики орзу-умидлари партияда мужассамлашган, дейилади сўнгра Куба Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладида. Революциянинг ғоялари, принципларидаги ва кучи партияда ўз ифодасини топган. Партия сафларида бизнинг индивидуализмимиздан асар ҳам қолмайди, биз коллектив бўлиб ўйлашни ўрганамиз. Партия — бизнинг мураббиямиз, устозимиз ва йўлбошчимиздир. Сиз билан биз ўз хатоларимиз, камчиликларимиз, маҳдудлигимизни пайқаолмаган ҳолларда доимо серғайраттик ва ҳамда ғояларига бўйсиндирилиши керак. Мамлакатимиздаги турли иқтисодий ва сиёсий органларнинг иш планлари шу платформа мақсадлари ва вазифаларига бўйсундирилиши лозим. У партиялилар оммасини, шунингдек ҳар бир партия аъзоси ва кандидатини тарбиялаш воситасига айлантирилиши зарур.

Бизнинг фикримизча, ҳозир ишлаб чиқилган ҳужжат мутлақо қаноатланарлидир. Унда программанинг асосий қоидалари баён этилган, бу қоидалар келгуси беш йилнинг тажрибаси асосида такомиллаштирилиб, ниҳоясига етказилгач, партиянинг 1980 йилда ўтказиладиган II съездида кўриб чиқилиши керак. Бўлажак съездда Куба Коммунистик партияси программасининг мамлакатимизда социализм қурилиши жараёнига раҳбарлик қилиш вазифаларини бажариш соҳасидаги узил-кесил қоидалари таъриф лаб берилади.

Шу дамгача неча марталаб ўтириб ўтилганидек, капитализмдан социализмга ўтиш тарихий давримизнинг ўзига хос хусусиятидир, деди сўнгра Фидель Кастро. Ер куррасининг бепоён районларида мустамлакачилик ва империализмнинг янги мустамлакачилик зулми қолдиқларини тугатиш жараёнинг таркибий қисми бўлган халқлар миллий-озодлик курашини кенгайтириш шу давр учун характерлидир.

Шу тарихий ўтиш даврининг кейинги йиллардаги ўзига жуда хос хусусиятларидан бири халқаро кескинликнинг юмшатилиши бўлди. Шу омилни ҳисобга олмай туриб, қитъамизда содир бўлаётган ўзгаришларни тушуниб бўлмайди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг 1973 йилда Қўшма Штатларга визити вақтида ядро урушининг олдини олиш тўғрисида ҳамда стратегик ҳужум қуролларини янада чеклаш ҳақида Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида муҳим ҳужжатлар имзоланган пайтда бизнинг партиямиз халқаро кескинликни юмшатишнинг мазмуни ва манбаларини қандай тушунишини аниқ белгилаб олди.

Ушанда биз биринчи социалистик давлат пайдо бўлган пайтдан бери у тинчлик учун тинимсиз курашиб келди. Совет халқидек тинчликни истаган ва уни ҳимоя қилган бошқа бирон халқни топиб бўлмайди. У ўз ҳаётининг дастлабки йилларида жуда кўп ажнабий давлатларнинг интервенциясига дуч келди, сўнгра фашизм бошлаган вайронгарчилик уруши гирдобига ташланди, кейинчалик, катта қурбонлар эвазига қўлга киритилган галаба унга оғоҳишта ва хавф-хатарсиз яшашга умид қилиш ҳуқуқини берган бир пайтда у ҳарбий базалар ва атом қуроли билан қуршаб олинди. Ҳали ҳеч ким бундай даҳшатлар ва уруш кулфатларини бошидан кечирган эмас.

Капиталистик давлатлардан фарқли ўлароқ Совет социалистик давлати учун чет эллардаги қандайдир капитал маблағларни ҳимоя қилиш, бошқа мамлакатларнинг ҳом ашё ва бойлигини эгаллаб олишга интилиш зарурати йўқ эди у иқтисодий тангликларга дуч келмайди, қурол-яроғ сотиб бойлик орттирмайди, капиталистик системада тез-тез учраб турганидек, экономиканн сунъий равишда жонлаштиришга муҳтож эмас. Совет халқи муҳтож бўлган бирдан-бир нарса — тинчиклик, унга тинчлик ўзини ижодий меҳнатга бағишлаш ва ўз иқтисодий ривожининг моддий негизи бўлган жуда катта табиий бойликлардан фойдаланиш учун зарурдир.

Социализм капитализмдан фарқли ўлароқ ўз хоҳиш иродасини уруш ва агрессиялар йўли билан бошқа мамлакатларга зўрлаб қабул қилдиришга мухтож эмаслигини ҳам тарих исботлаб турибди.

Совет Иттифоқи қудратли давлат бўлиб қолганлигидан баъзи кимсалар норозилик билдирмоқдалар. Совет Иттифоқи бошқа халқлар эришган самаралардан ҳеч нарсани тортиб олмай, балки ўз фарзандларининг фидокорона меҳнати туфайли иқтисодий қудратга эришди. СССР ўзини интервенциядан, оккупациядан ва империализмнинг стратегик базадари қуршовидан ҳимоя қилиш зарурати тақозоси билан ҳарбий қудратга эришди. Биз, кубаликлар ҳамма халқларнинг душмани бўлган Америка империализмнинг қудратли эканлигига ҳурсанд бўлмаймиз. Айни вақтда Совет Иттифоқи қудратли мамлакат эканлигидан ер курраснинг бирон бурчагидаги бирон ҳақиқий революционер-норози бўлмайди, чунки унинг қудрати бўлмаса, инсоннят фашизмдан халос бўлмас эди. Кейинги 30 йил мобайнида ўз озодлиги учун курашган, халқлар ҳал қилувчи ёрдам манбаига эга бўлмас эдилар, империалистлар дунёни қайтадан тақсимлаб олган бўлур эдилар, ҳамма кўп сонли кичик ва ривожланаётган мамлакатлар яна мустамлакага айланган бўлур эдилар.

Шу боисдан ҳам биз СССРнинг ташқи сиёсатини, унинг тинчликни мустаҳкамлаш, жаҳон уруши хавфини йўқотиш соҳасидаги кескин куч-ғайратларини қўллаб-қувватлаймиз. Тарихий жараённи тескари бориб юборишга қодир бўлмаган ва капитализм томонидан дунёга зўрлаб ўтказилган ғайри инсоний, қирғин, тузум, — эксплуататор тузумидан воз кечгандан кўра бутун инсониятнинг ҳалоқатини афзал кўрадиган уччига чиққан реакционерларгина янги уруш тўғрисида ўйлашлари мумкин.

Инсоннят учун тинчлик йўлида курашиш ҳеч қачон ҳозиргидек зарур бўлмаган эди, чунки илгари ҳеч қачон қурол ҳозиргидек вайронгарчилик кучини касб этмаган ва инсониятнинг кириғлиш хавфи ҳеч қачон ҳозиргидек даҳшатли бўлмаган эди.

Капитализмнинг истиқболи йўқ. Жамики истиқбол социализмникидир. Тинчликни ҳимоя қилиш истиқболни ҳимоя қилишни билдиради. Аввал бошда биз ҳам империализмнинг доимий агрессияларидан жаҳлимиз чиқиб ва ғазабланиб турганимиз учун бу масалаларни ҳозиргидек равшан тушунмас эдик.

Куба Коммунистик партияси ялпи ва тўла қуролсизланиш ҳозир узоқ келажакдаги иш бўлиб тюлаётган бўлса-да, шунга эришиш мақсадида халқаро майдонда сарфланаётган ҳамма куч-ғайратларни қўллаб-қувватламоқда. Куба БМТда Совет Иттифоқининг антоюнистик блокларга мансуб бўлган капиталистик ва социалистик мамлакатларнинг қурол-яроғларига сарф бўлаётган жуда катта маблағларидан бир қисмини инсоният ривожи манфаатларига олиб беришни кўзда тутувчи таклифини қўллаб-қувватлади.

Биз Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг муваффақиятларини табриклаймиз ҳамда унинг натижаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун қўлимиздан келган зарур ишларнинг ҳаммасини қиламиз; бу иш кескинликни юмшатишга мўқаррар туе бериш йўлидаги зарур қадамларнинг бир қисми бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев келган вақтда бутун халқ шодҳуррам бўлганлиги халқимизнинг Ленин партияси билан ва КПСС раҳбарлари зўр қатъият билан ўтказаётган илғор ғоялар билан чуқур бирдамлигини яна бир бор таъкидлаб кўрсатди. Бугун биз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг вакилларига шу ҳис-туйғуларни яна бир бор изҳор этамиз.

Фидель Кастро Кубанинг бир қанча социалистик мамлакатлари билан муносабатларини таъриф лаб ўтгач, бундай деб таъкидлади: Хитой Халқ Республикаси ва Албания Халқ Республикасининг маълум сиёсий позицияси сабабли улар билан муносабатлар фақат давлат йўли орқали давом эттирилмоқда.

Бизнинг ташқи сиёсатимиз бизни Африка, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларининг барча антиимпериалистик, тараққийпарвар ҳукуматлари билан, жумладан, блокларга қўшилмаган мамлакатлар ҳаракатининг қатнашчилари билан бирлаштириб турибди, деди сўзини давом эттириб у.

Куба Чилидаги фашистлар ҳунтасини яккалаб қўйишга ва Чили диёрига яна албатта келадиган ҳақиқий озодлик ва социал ўзгартишлар йўлини чилиликларга беркитиб қўйишга қон тўкиб уринаётган кимсаларнинг мағлубиятга учраши учун ҳар томонлама кўмаклаша берамиз, деб уқтирди Фидель Кастро.

Бизнинг Қўшма Штатлар билан муносабатларимиз масаласидаги Кубанинг маълум позициясини партиямиз съездида яна бир марта такрорлашга тўғри келади. «Муносабатлар ўрнатилмаганлиги» хусусида биз шуни айтишимиз керакки, муносабатларни Куба ўзаги эмас ва агрессия йўлига Куба ўтган эмас. Шу сабабли бошқалар бундай сиёсатни абадул абад тўхтатишлари шарт.

Биз музокаралар бошлашга тайёрмиз, аммо бу ерда, ўз съездимизда шуни такрорлайтмизки ва бутун Куба халқига шуни айтамизки, Қўшма Штатлар ҳукумати қамал қилиш сиёсатини моҳият эътибори билан бекор қилган тақдирдагина расмий музокаралар бошланиши мумкин.

Пировардида Фидель Кастро бундай деди: I съезд йилида хамма партия кадрлари ва революционерлар сабот билан меҳнат қилишди. Бироқ, келгуси йилларда ҳам янада зўр ғайрат билан меҳнат қилишга тўғри келади, деди у. Биз шу съездда ўзимиз қабул қиладиган қарорларни бажариш учун қийин ва мураккаб иш олиб боришимиз керак бўлади. Олдимизда турган вазифалар хилма-хил бўлиб, биз амалга оширишимиз лозим бўлган ўзгартиш ларнинг теранлиги ва кенглиги эса бизнан айни шундай ишлашни талаб қилади.

Партиямиз шу масъулиятли вазифаларни бажариш учун бутун қатъият билан киришажагини биламиз.

Энг муҳими шуки, биз ўз сиёсатимизда доимо юқори погонага чиқиб бордик ва муайян марраларга етиб келдик. Шу дақиқаларда биз халқимизнинг ҳозир жаҳон революцион ҳаракатида муносиб ва фахрли ўрин олиб турганлигидан ва бизнинг олдимизда бахтли келажак йўли очилганлигидан ҳақли равишда мамнун бўлмоқдамиз, биз шу келажак йўлида қунт билан меҳнат қилишимиз лозим, бу келажакка бизнинг ишончимиз комил.

Бизнинг съездимиз бизни шу йўлдан бошлаб борадиган йўлчи юлдуз бўлади. Партия ва унинг нормалари, унинг принциплари, унинг ташкилоти ва кучи бизни шу зафарли йўлдан олга элтади. Биз бартараф эта олмайдиган қийинчиликлар йўқ. Олдиндан пайқаш мумкин бўлган хатоларга йўл қўймасликка ёки йўл қўйилган тақдирда ҳам шу хатоларни тез тузатишга қодирмиз.

Партиямиз ўз фаолиятида ҳамиша кристаллдек мусафф ҳалоллиққа, ўз принципларига чексиз садоқатга, беғаразликка, фидокорлик кўрсатишга, революцион софлиққа, янги чўққиларга эришиш иштиёқига, қаҳрамонона ишларни юзага чиқариш истагига амал қила беради.

Ё ватан, ё ўлим!

Биз ғалаба қиламиз!

(Ўртоқ Фидель Кастронинг доклади зўр эътибор бериб тингланди ва гулдурос қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди).

МОСКВА ШАРТНОМАСИНИНГ САМАРАЛИ НАТИЖАЛАРИ

БОННН, 19 декабрь. (ТАСС). ГСДПнинг органи бўлган ҳафталик «Форвертс» 1970 йилда Москва Шартномаси имзоланган вақтдан буён СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларга бағишланган махсус иловани эълон қилди.

Илова КПСС Марказий Комитети бош секретари Л. И. Брежневнинг табрик хати билан очилади.

Ҳафталик саҳифаларида ГСДП раиси В. Брандтнинг, федерал канцлер Г. Шмидтнинг, ҳўжалик министри Г. Фридерихснинг, ГФР савдо ва саноат палаталари раҳбарлари ва намояндаларининг мақолалари босилган.

ГСДП раиси В. Брандтнинг таъкидлаб ёзишича, узоқ давом этган «совуқ уруш» йилларидан кейин шаҳс билан ғарб ўртасида амалий ҳамкорлик даври бошланди. Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар бунга мисол бўла олади. Москва Шартномасини тўла ҳуқуқ билан тарихий воқеа деб аташади. Шу Шартнома имзоланганидан кейин ўтган беш йил воқеаларга бой бўлди. Ҳукуматларимиз ўртасидаги мулоқат, деб ёзади В. Брандт, анча интенсив бўлиб қолди, иқтисодий ҳамкорликда бирмунча тараққиётга эришдик. Халқларимиз ўртасидаги маданий айирбошлаш кучайди.

Орқага, «совуқ уруш»га томон йўлни абадий ёпиб қўядиган сиёсатни ўтказмоқ учун, деб таъкидлайди В. Брандт, мардлик кўрсатиш лозим. У Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш якунлари тўғрисида гапириб, бу кенгаш «шарқ билан ғарб ўртасидаги мавжуд муносабатларни, гоят хилма-хил проблемаларни сеҳрли таёқчани ишлатгандек бир зумда ҳал қилиши мумкин эмас эди» — деди, — аммо шунга қарамай кенгаш якунлари диққатга сазовордир. Куч ишлатишдан ва куч ишлатиб таҳдид қилишдан воз кечиш Совет Иттифоқи билан ПХР ўртасидаги шартномаларимизнинг негизи бўлди.

ГФР федерал канцлери Г. Шмидтнинг мақоласида айтилдики, беш йил муқаддам Москва Шартномасининг тузилганлиги ҳукумат ГФРнинг Совет Иттифоқи билан муносабатларини урушдан кейинги ишончсизлик ва кўркув муҳитидан чиқаришга қатъий қарор қилганлигининг ифодаси бўлди.

ГФР ҳукуматининг бошлиғи Москва Шартномасининг муҳим халқаро аҳамиятга эга бўлганлигини ҳам таъкидлайди. Иккк томонлама муносабатлар соҳасидаги ҳамжиҳатликнинг асосий принциплари, деб ёзади сўнгра Г. Шмидт, Хельсинкидаги кенгашда Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг негизига айлтирилди. Давлатлар Хельсинкида «давлатларнинг ҳар бири бутун дунёда тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халкларнинг асосий ҳуқуқларини, иқтисодий ва социал тараққиёти ва фаровонлигини таъминлаш ишига ўз ҳиссасини қўшиши» лозимлигини эътироф қилдилар. «Мен аминманки, — деб таъкидлайди Г. Шмидт, — ана шу йўлдагина Европа ўзига-ўзи ва бошқа давлатларга ёрдам бериши ҳамда бутун дунёда тинчликни таъминлаш ишига конкрет ҳисса қўшиши мумкин».

Ҳўжалик министри Г. Фридерикс кескинлик юмшаганлиги натижасида сўнгги йилларда Европа иқтисодий ҳамжамиятига ва Узоро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган давлатлар ўртасида савдо ва иқтисодий алоқалар тобора кенг кулоч ёзаётганлиги фактини кўрсатиб ўтди. ГФР ғарб давлатлари ўртасида Шарқий Европадаги мамлакатларнинг энг йирик савдо шериги бўлиб қолди. Г. Фридерихс Европадаги ана шу икки иқтисодий ташкилот ўртасида алоқаларни яна кенгайтириш зарурлигини айтиб, бундай ҳамкорлик зарургина бўлиб қолмай, шу билан бирга сиёсий жиҳатдан мумкин эканлигини ҳам таъкидлади.

«Хеш Верке» саноат концерни правлениесининг аъзоси Г. Зольбах билан суҳбат ГФР билан Совет Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик масалаларига бағишланди. «Муҳим сиёсий масалалар билан бир қаторда, деб таъкидлайди у,— Германия Федератив Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласи тобора асосий ўрин эгалламоқда».

Ғарбий Германиядаги таниқли саноатчи Э. В. Момзен ўз мақоласида кейинги тўрт йил мобайнида ГФРнинг социалистик мамлакатлар билан савдосотиқ ҳажми уч баравар кўпайиб, 1974 йилда 24 миллиард маркага етганлигини уқтириб ўтади.

У кейинчалик бу савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорлик янада кўпроқ кенгаяди, томонларга ўзаро наф келтирадиган тобора янгидан-янги формаларни касб этади, деб ишонч билдиради.

«Форвертснинг иловасида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиковнинг мақоласи «Москва Шартномаси ҳамда Совет Иттифоқи билан Федератив Республика ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг кенгайтирилиши», СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличевнинг «Савдо ва иқтисодий муносабатларда бурилиш нуқтаси» ва СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалининнг «Кескинликни юмшатиш сиёсати амалда» деган мақолалари, шунингдек Совет—Ғарбий Германия муносабатларига бағишланган бир қанча материаллар ҳам эълон қилинган. Бу материалларнинг авторлари совет ташқи савдо ташкилотларининг раҳбарлари дир.

СОВЕТ—ВЬЕТНАМ БИТИМИ

18 декабрь куни Москвада ўтказилган музокаралар натижасида Совет Иттифоқи 1976 — 1980 йилларда саноат корхоналари ва бошқа объектларни қуришда Вьетнам Демократик Республикасига иқтисодий ва техникавий ёрдам бериши тўғрисидаги битим имзоланди. Янги йирик энергетика объектлари, химия, машинасозлик ва қўмир саноати корхоналарини, енгил ва озиқ-овқат саноати, биокорлик материаллари ишлаб чиқариш объектларини қуришда ҳамкорлик қилиш, шунингдек геология-қидириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳамкорлик қилиш кўзда тутилмоқда.

Имзоланган битим урушнинг оғир оқибатларини тез-роқ бартараф этиш, халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш, халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини барқарор қилиш ва аста-секин ошириш, социализмнинг моддий-техника базасини қуришни жадаллаштириш юзасидан Вьетнам Демократик Республикаси олдида турган муҳим вазифаларни ҳал қилишга қаратилгандир.

Битимга Совет Иттифоқи ҳукуматининг ваколатига мувофиқ СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков; ВДР ҳукуматининг ваколатига мувофиқ ВДРнинг СССРдаги элчиси Нгуен Хиу Кхиеу имзоладилар.

(ТАСС).

ШАРТНОМА КУЧГА КИРДИ

БЕРЛИН, 18 декабрь. (ТАСС). Бу ерда СССР билан ГДР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқлари айирбошланди. Мазкур шартномани шу йил 7 октябрда Москвада КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ва Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Э. Хонеккер имзоладилар.

Шу йил декабрь ойида шартномани СССР Олий Совети Президиуми ҳамда ГДР Давлат кенгаши ратификация қилди.

Ратификация ёрлиқларини айирбошлаш тўғрисидаги протоколни СССРнинг ГДРдаги элчиси П. А. Абрасимов ва ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер имзоладилар.

СССР билан ГДР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома кучга кирди.

ГАВАНА. Революция музейи (ТАСС).

МАШАҚҚАТЛАР ГИРДОБИДА

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

●

Капиталистик мамлакатларда меҳнаткашларнинг турмуш қийинчиликлари қиндан-кунга ошиб бораётир. Айниқса нарх-навонинг тўхтовсиз кўтарилиб бораётганлиги уларга тағин ҳам оғир юк бўлиб тушаётир.

Лондондан олинган хабарларда Англияда нарх-навонинг ошиб бораётганлиги расмий маълумотларда ҳам акс этмоқда. Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол молларининг нархи яна оширилди, жамоат транспорти учун тўланадиган ҳақ ҳам кўпайтирилди. Шу йилнинг ноябрь ойида баҳолар индекси 144,2 процентни ташкил этди.

Канада меҳнаткашларининг ҳам турмуш кечириш учун бўлаётган харажатлари тағин кўпайди. Ҳукумат томонидан берилган маълумотларга қараганда, 1975 йилнинг ноябрь ойида квартира ҳақи, жамоат транспорти баҳоси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кескин равишда юқсак погонага кўтарилди. Мамлакатда шу йилнинг ўзида кенг истеъмол молларига қўйилган устама нарх ўрта ҳисобда 10,4 процентни ташкил этмоқда.

Австрияда айниқса уй-жой учун тўланадиган тўловлар кескин равишда ошмоқда. Бу ерда квартира ҳақи кейинги бир йил ичида 16,2 процентга қимматлашган.

Умуммеҳнат конфедерациясининг нарх-наво бўйича ойлик бюллетенида эълон қилинган маълумотларга кўра Францияда ҳам нарх-навонинг ортиб бораётганлиги тўғрисида кўплаб далиллар келтирилмоқда. Чунончи, мамлакатда шу йилнинг ноябрь ойида кундалик ҳаёт учун гоятда зарур бўладиган товарлар баҳоси 0,9 процент кўтарилган. Масалан, кийим-кечакларнинг нархи бир ой давомида 3,5 процентга оширилган, санитария ва гигиена буюмларининг баҳоси 1,1 процент кўпайган. Бошқа товарларнинг ҳам нархи қимматлашганлиги тўғрисида хабарлар берилади.

Стокгольмдан берилган хабарларга қараганда, Швецияда кейинги йилда чакана нархлар 9,5 процентга ўсган. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кескин равишда ошиб кетган. Бу ерда яна сут, гўшт ва пишлоқ нархларининг оширилиши кўзда тутилмоқда.

Ғарбий Берлиндан олинган хабарларга кўра, шу йилнинг ноябрь ойида 1974 йилнинг ноябридан буён нархнаво 5,2 процентга ошиб кетди. Ғарбий Берлин статистика ведомостларида эълон қилинган бу ахборотлардан маълум бўладики, шаҳар меҳнаткашларининг турмуш кечириши анча қимматлашган.

Ирландия меҳнаткашларининг ҳам кун кечиришлари йилдан-йилга қийинлашиб бормоқда. Мамлакатда шу йилнинг бошидан бери турмуш кечириш 16 процентга қимматлашган. Бу ерда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи Англиядаги даражадан ўрта ҳисобда тўрт процент қимматдир. Яна шу нарса диққатга сазоворки, Ирландияда «умумий бозор» мамлакатлари ичида инфляция даражаси энг юксак погонага кўтарилган.

РЕСПУБЛИКА ОРОМГОҲЛАРИ

ШИФОБАХШ МАСКАН

Ҳур диёримизда йилдан-йилга кўплаб дам олиш уйлари ва санаторийлар сони кўпайиб бормоқда. Ана шундай оромгоҳлардан бири Тошкент область, Оржоникидзе районидаги энг гўзал, баҳаво территориясига жойлашган асаб, юрак ва қонтомир касалликларини даволайдиган «Ботаника» санаторийсидир.

Бу санаторийнинг Бўзсув оралиғига жойлашганлиги бойси бор. Бу ер сайёлик оромбахш ҳавоси, ўзига хос асабни мустаҳкамловчи, юрак фаолиятини яхшилайди, қон босимини меъёрга келтиради.

Санаторийда мириқиш ва мазмунли дам олиш учун даволанувчиларга ҳамма нарса муҳайё. Шифо маскани йилдан-йилга кўплаб янги, замонавий асбоб-ускуналар билан бойиб бормоқда. Яқинда Чехословакиядан «Рум-20» маркали рентген-диагностика аппарати келтирилди.

Германиядан юборилган тўрт камерали ванна, нафас олиш йўлини даволайдиган ингаляция аппарати, асабни мустаҳкамлайдиган циркуляр душ, юрак хасталиги учун шифобахш бўлган ультратовушли аэрозол қурилмаси ўрнатилган. Ваннаҳар тури ҳам ўтган йилларга нисбатан анча кўпайган.

Айниқса бод касалининг даволашда самараси юқорилиги аҳамияти катта. Бу ҳолда қарши Тожикистонлар келтирилади. Унинг таркибида минерал тузлар бор. Бундан ташқари яқинда механизация кабинети ишга туширилди. Бу ерда шол касаллигидан сўнг айрим беморларнинг қўл-оёғини ҳаракатга келтириш имконияти яратилган. Гипноз кабинети ҳам ишлаб турибди. Бундан, айниқса уйқусизликка учраган беморлар яхши фойдаланишмоқда. Хуллас, санаторийда замонавий даволашнинг янги турлари йил сайин ортиб бормоқда.

Санаторийга мамлакатимизнинг турли бурчакларидан — Ўрта Осиё республикаларидан, Қозоғистон, Урал, Спокин, Владивосток, Хабаровск, Олтой, Қарағанда ва бошқа шаҳарлардан одамлар келиб дам оладилар, даволанадилар.

Санаторий ходимларининг намунали хизматидан дам олувчилар мамнун. «Таклиф ва мулоҳазалар дафтари»ни қўдан кечирган киши шифо маскани коллективи номига ёзиб қолдирилган дил сўзларини ўқиши мумкин.

Ўз касбини севган шифокор М. Азлархонова, А. П. Клянниналар, ҳамшира Ф. Рамазонова, Э. Мамутова, М. К. Рудак ва бошқалар ҳусусида илиқ гаплар айтса арзийди.

Санаторийда ободонлаштириш ишлари ҳам яхшиланиб борянги. Айниқса, санаторийни -оталиққа олган «Узбексельмаш», Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводи «Ташинжстрой» коллективлари оромгоҳни обод этишда актив ёрдам бермоқдалар.

— Санаторийнинг истиқболи порлоқ, — дейди бош врач Ҳалим Шарипович Маҳмудов, — ҳозирги кунда беш юз киши дам олмоқда. Қўшимча 250 ўринли янги корпус қурилади.

Дарҳақиқат санаторийнинг келажаги порлоқ.

Раҳима МУҲСИМОВА.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Чимён тоғ этаклари яна гавжумлашиб қолди. Айниқса дам олишчилари тошкентлик чанғи отиш мухлислари мовий қор босган тоғ бағрига кўплаб келишади. Суратда: чанғичилар Чимён этакларида.

Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ).

КОММУНИЗМНИНГ АКТИВ ҚУРУВЧИЛАРИ

«СССРда хотин-қизлар масаласини ҳал қилишнинг миллий аспекти» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий конференцияси 19 декабрь куни Тошкентда ўз ишини тамомлади. Сўзга чиққан нотиқларнинг ҳаммаси «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида ўз ифодасини топган ана шу проблемаларни ҳал қилишнинг бугун-дан кейинги йўлларига эътиборни жалб этдилар.

Конференциянинг иккинчи кунида СССР Фанлар академияси халқаро ишчилар ҳаракати институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати М. В. Каргалованинг «Тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашда халқаро хотин-қизлар ҳаракати» ва В. И. Ульянов (Ленин) номли Қозон Давлат университети профессори В. Н. Смирновнинг «Буржуа-демократия ва социалистик революцияларда хотин-қизлар масаласи» мавзуидаги докладлари тингланди.

Юридик фанлар кандидати Я. Н. Шевченко (Украина ССР Фанлар академияси), философия фанлари кандидати С. Ю. Дадабоева (Тожикистон ССР Фанлар академияси), философия фанлари доктори С. Ш. Гарабаев (Грузия ССР Фанлар академияси), Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Г. Ғойнова ва бошқалар илмий ахборот бердилар.

Конференцияни ўтказувчи ташкилот комитетининг раиси, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов конференцияга якун ясаб, муҳокамага тақдим этилган доклад ва ахборотларнинг сермазмун эканлигини таъкидлаб ўтди, ушбу илмий учрашув, учрашувда бўлиб ўтган фикрлашувлар замонамизнинг энг муҳим проблемаларидан бири бўлган хотин-қизлар масаласини ҳал қилиш билан боғлиқ тадқиқотларни янада юксалтиришга хизмат қилади, деб ишонч билдирди. (ЎзТАГ).

СЎЗ — БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ЖАСОРАТ МАДҲИ

А. В. МИТРОФАНОВА,
СССР Фанлар академиясининг СССР тарихи института катта илмий ходими, тарих фанлари доктори:

— Мен Тошкентга — Бутуниттифоқ илмий конференциясига жуда катта ҳаяжон билан келдим. СССРда хотин-қизлар масаласини ҳал қилишнинг миллий аспекти мавзуи бўйича жуда қимматли фикрлар айтиш мумкин. Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг дастлабки кунларидаёқ хотин-қизлар ана шу буюк инқилобнинг ғалабасини тўла таъминлаш ва унинг мустаҳкамлашга даъват этилган эдилар. Тинч йилларда хотин-қизлар жуда катта бунёдкорлик ишлари олиб бордилар. Партия ва ҳукуматимиз Ленин васиятларини амалга ошириб бориб, хотин-қизларнинг социалистик қурилишда фаол қатнашишлари учун кенг имкониятлар яратиб берди. Хотин-қизлар сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда эркаклар билан бир сафда туриб, умумдавлат ишида муҳим роль ўйнай бошладилар.

Эндиликда олий ва ўрта махсус маълумотли турли касбдаги хотин-қизлар жамиятимизнинг катта бунёдкорлик кучига айландилар. Бизга тарихдан маълум. Стахановчилик ҳаракатида ҳам аёлларимиз фаол иштирок этган эдилар. Бугунги кунда хотин-қизлар орасидан қўплаб қаҳрамонлар етишиб чиқмоқдалар. Улар олиб бораётган ишларининг ҳаммаси социалистик давлатимиз қудратини янада оширишга улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Фидокор аёлларимиз жасоратини мадҳ этиш қанчалар завқли. Уруш йилларида қаҳрамонларимиз ирода кучини қўлга олиб, фашистларга қирон келтиришда ажойиб ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. Уларнинг фронт орқасидаги чексиз матонати таҳсиф ҳисобига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Бу даврда Совет Шарқи хотин-қизлари ҳам афсонавий қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Улар душман устидан ғалабани таъминлаш учун бор кучларини аямадилар. «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» шиори аёлларимизни каттакатта ишларга отлантириб юборган эди. Уларнинг қадоқли қўллари билан етиштирилган пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари фронт учун юборилди. Ҳа, хотин-қизларнинг ташкилотчилик истеъдоди ҳар соҳада намоён бўла бошлади. Олимларимиз ҳам катта сиёсий идеологик ишлар олиб бордилар. Буюк Ғалабанинг 30 йиллигида жанг кўрган, фронт орқасида мардлик кўрсатган хотин-қизларимиз жасоратига жуда юксак баҳо берилди.

Буларнинг ҳаммасини гапиришдан мақсад — уруш давридаги хотин-қизлар ҳаракати ҳали нуқур ва ҳар томонлама тўла ёритилмаган. Бу тарихдан маълум. Стахановчилик ҳаракатида ҳам аёлларимиз фаол иштирок этган эдилар. Бугунги кунда хотин-қизлар орасидан қўплаб қаҳрамонлар етишиб чиқмоқдалар. Улар олиб бораётган ишларининг ҳаммаси социалистик давлатимиз қудратини янада оширишга улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Фидокор аёлларимиз жасоратини мадҳ этиш,